## Теннис: «Тошкент опен»




**Пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларига ташриф буюрган минглаб ишқибозлар бир ҳафта давомида муросасиз баҳсларнинг, ўзига хос спорт байрамининг гувоҳи бўлишди. Зеро, ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Челленжер» аёллар теннис турнири ташкил этилишининг тўртинчи йилида янги босқичга кўтарилиб, WTA Tour таснифига киритилди, мукофот жамғармаси деярли тўрт баробар кўпайтирилди.**

# МАҲОРАТДИР ҒАЛАБАНИНГ АСОСИ



Бинобарин, шу сингари юксак нуфузли мусобақалар курраи заминнинг ўнга яқин давлатларидагина ўтказилади, холос. Бу гал ушбу турнирда иштирок этиш учун дунёнинг энг сара катта ракетка усталари Тошкентга ташриф буюришди.



Жаҳоннинг 21 мамлакатидан келган 70 га яқин спортчилар бош соврин эгаси бўлиш ниятида кортларга тушдилар. Қизғин беллашувларда кутилмаган натижалар ҳам қайд этилди. Мазкур турнирнинг икки бор ғолиби австриялик Патриция Вартуш бу гал чорак финалгача ҳам етиб кела олмади. Елена Макарова (Россия) унинг йўлига тўғаноқ бўлди. Машҳур теннисчилардан яна бири россиялик Татьяна Панованинг ҳам омади юришмади. «Тошкент опен»нинг иккинчи ракеткаси ҳисобланган Татьянани ўз юртдоши Е. Дементиева кортдан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур қилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз вакиллари юқори поғоналарни эгаллай олмаган бўлсаларда, чиройли ўйин намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовар бўлишди. Айниқса Ирода Тўлаганованинг дастлабки босқичда номдор катта ракетга усталаридан бири — голландиялик Седа Нурландерни икки сетда (6:1, 6:3) мағлубиятга учратишини хориж мутахассислари Ўзбекистонда яқин келажакда теннис юлдузлари етишиб чиқишидан далолат, деб баҳолашди. Ирода Татьяна Перебийнис билан биргаликда жуфтлик учрашувларида ҳам яхши натижа кўрсатди. Бироқ ҳали ёш теннисчиларнинг халқаро майдонлардаги тажрибаси камлиги боис ярим финалда Вартуш — Кулоковская жуфтлигига имкониятни бой беришди. Дарвоқе, ушбу жуфтлик финал беллашувида ҳам кортда ўз моҳирликларини намойиш этишди. Улар ҳал қилувчи учрашувда испаниялик Рес Ева ҳамда Риера Гизелаларни икки сетда (6:0, 6:2) доғда қолдириб, жуфтлик баҳсларида шоҳсупанинг биринчи поғонасини банд қилишди.

Якка беллашувларда мағлубиятсиз иштирок этган турнирнинг биринчи ракеткаси исроиллик Анна Смашнова ҳамда Лауренс Кортуа (Бельгия) финалга йўлланма олишди. Мусобақаларнинг охирги куни, стадион ҳар қачонгиданда гавжум. Ҳамманинг диққат эътибори марказий кортга қаратилган. Ва ниҳоят, мухлислар олқишлари остида финал қатнашчилари кортга тушишди.

Шуниси қизиқки, башоратсевар мухлислар ва мутахассислар ҳар икки спортчининг имкониятларини бир хил баҳолашди. Агар Кортуа кучли зарба ва юксак жисмоний тайёргарликка эга бўлса, Аннанинг тўпни бурама ҳолда узатиши, тактик ўйин кўрсатишига рақибининг асаблари дош беролмаслиги мумкин, деган хулосага келишган эди. Ҳақиқатда ҳам беллашув ўта муросасиз кечди. Айниқса, роппа-роса бир соат давом этган дастлабки сетда ҳар бир гейм қизғин курашларга бой бўлди. Кортуанинг тўғридан берган кучли зарбаларига Анна тўпни бураб йўналтириш билан жавоб қайтарди. Айланма тўп узатишнинг ҳадисини олган А. Смашнованинг бундай зарбаларини қайтариш Лауренс Кортуа учун осон кечмади. Натижада у биринчи сетда 3:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Дастлабки муваффақиятдан руҳланган Анна иккинчи сетда янада дадил ўйин намойиш этиб, учрашув тақдирини узил-кесил ҳал қилди — 6:3. Шундай қилиб, WTA таснифида 41- ўринда бораётган А. Смашнова мазкур турнирда энг кучлилардан бири эканлигини исботлаб, бош соврин эгаси бўлди.

— Энг аввало, менинг ҳар бир ҳаракатимни қўллаб-қувватлаб турган мана шу минглаб мухлисларга миннатдорчилик билдирмоқчиман, — деди турнир ниҳоясида Анна. — Тўғриси, шунча томошабин келади, деб ўйламагандим. Қолаверса ушбу ажойиб теннис байрамини уюштирган барча ташкилотчиларга, меҳмондўст ўзбек халқига энг самимий тилакларимни йўллайман. Кейинги турнирларда ҳам учрашамиз деган ниятдаман.

Финал иштирокчиларига Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан миллий либослар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

— Ўзбек қизларининг миллий либослари жуда чиройли бўлишини эшитганман. Лекин бунчалик жозибали эканлигини тасаввур қилмагандим. Шунчалик ҳурмат-эҳтиром учун ҳамма-ҳаммангизга ташаккур. Бу либослар мен учун энг қадрли совға сифатида уйимнинг тўридан жой олади, — деди Лауренс Кортуа.

— Тошкент халқаро мусобақалар юксак савияда ўтказиладиган ўзига хос марказга айланиб бормоқда, — деди WTA Tour директори Клара Вууд хоним. — Бу юртингиздаги осойишталик, ҳукуматингизнинг спортни ривожлантиришга кўрсатаётган ғамхўрлигининг натижаси, албатта. Ўйлайманки, «Тошкент опен» турнирининг шуҳрати йилдан-йилга янада ошиб боради. Бунинг учун мамлакатингизда барча шароитлар муҳайё этилган. Ташкилотчилар, қатнашувчиларга мана шундай гўзал спорт байрамини уюштириб берганликлари учун Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) номидан миннатдорчилик билдираман.

Мусобақалар ниҳоясига етди. Аммо мухлисларни хушнуд этган мафтункор ўйинлар узоқ вақтгача кўпчиликнинг тилидан тушмаса керак. Зеро, машҳур спортчиларнинг кутилмаган мағлубиятини, ёш теннисчиларнинг ўзига хос маҳоратларини мухлислару мутахассислар ҳали кўп бора таҳлил этишади, хулосалар чиқаришади.

**Озод РАЖАБОВ,**
**Н. МУҲАММАДЖОНОВ**
**(суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАМОҚДА

Мактабларда имтиҳонлар тугаб минглаб болалар турли сўлим масканларга, тоғлар қўйнидаги оромгоҳларга отланди. Кўплаб ўқувчилар ҳокимликлар ва халқ таълими бўлимлари ташаббуси билан жойларда ташкил этилган спорт мажмуаларига қатнайди. Бу ерда улар спорт турлари билан шуғулланиб, чиниқадилар. Шуни айтиш керакки, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Пойтахт вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида жойлашган "Ёшлик" саломатлик марказининг Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига бериб қўйилиши ҳам ана шу ғамхўрлик самарасидир. Бу ерда асосан республикамиздаги меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари ҳордиқ чиқаради. Ўтган йили бу оромгоҳда етти юздан ортиқ ўғил ва қиз мазмунли ҳордиқ чиқариб қайтган эди. Бу мавсумда ҳам қарийб шунча бола дам олиши кўзда тутилмоқда.




Куни-кеча пойтахтдан йўлга тушган автобуслар колоннаси республикамиз меҳрибонлик уйларининг 200 дан ортиқ тарбияланувчисини олиб "Ёшлик" томон ошиқди. Саломатлик марказида улар учун барча қулайликлар муҳайё қилиб қўйилган.

**М. ОДИЛОВА.**
**(ЎзА).**



# СЕВАРАНИ ЭЛ СЕВАР

## Жиззахда ҳамшира қизларнинг анъанавий «Ҳамшира-99» республика кўрик-танлови ўтказилди

Аёллар йилига бағишлаб ўтказилган ушбу кўрик-танловдан мақсад ҳар томонлама зукко ва маҳоратли, ўз ишини замон талаблари асосида яхши биладиган малакали ҳамширалар сафини кенгайтириш, мустақил Ўзбекистоннинг фидойи ватанпарвари бўлишдек юксак маънавий сифатларни камол топтириш ишларини тўғри йўлга қўйиш назарда тутилган.

Қизларнинг назарий билими, касб маҳорати, амалиётдаги эпчиллиги ва шижоатлилиги, ширали овози-ю, гўзал рақслари томошабинларда жуда катта таассурот қолдирди.

Қизғин баҳслардан сўнг ҳаяжонли дақиқалар ҳам етиб келди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раисининг муовини, тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари қўмитасининг раиси, кўрик-танлов ҳайъатининг раиси Озода Муҳитдинова ғолибларни эълон қилар экан, бугунги беллашувда мағлуб бўлмайди, бу ерга келган ҳамшираларнинг ҳаммалари ғолибдирлар. Аммо уларнинг ичидан ҳам ғолибларнинг ғолибини танлашимиз керак, — деган мазмунда уларни шоҳсупага таклиф қилди.

Шундай қилиб, «1999 йилнинг энг зўр ҳамшираси» рамзи — тожни кийган ва Тошкент тиббиёт институтининг 1-курсига имтиҳонсиз қабул қилиниш имкониятини қўлга киритган ҳамшира Севара Каримова «Тико» енгил автомашинасига ҳам эга бўлди. Иккинчи ўринни эгаллаган қашқадарёлик ҳамшира Шаҳноза Шаропова рангли телевизор, учинчи ўрин соҳибаси фарғоналик ҳамшира Элмира Мусаева видеомагнитафон билан, шунингдек, бошқа барча ғолиблар қимматбаҳо совғалар ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан мукофотландилар.

**Тиловат СОАТОВА.**
**СУРАТДА: ғолиба қизлар.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 23.30
1 2 3 4 5 6

## «МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ»

Навоий вилоят ногиронлар жамиятининг реабилитация марказида ногирон болаларнинг "Мафтункор ранглар олами" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда болалар эркин мавзуда расм чизиб, ўз ички дунёси, ҳис-туйғулари, истак ва орзуларини акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг беғубор осмон, ўзаро дўстлик, Ватанни тараннум этган содда, айни вақтда самимий жажжи асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўрик-танловда Навбаҳор туманидан Ё. Шомуродова, Навоий шаҳридан Д. Қувватов, Конимех туманидан З. Муротова энг юқори ўринни эгаллаган дилар. Улар энди Тошкент шаҳрида шу мавзуда ўтадиган кўрик-танловда иштирок этадилар.

**Ёрқул Умар,**
**ЎзА мухбири**

"MALVIL" МЧЖ
САНОАТ АСБОБЛАРИНИ БУТУН ДУНЁ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИДАН ТЎҒРИДАН -ТЎҒРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ,
КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ
ТУРЛИ ҚУВВАТЛИ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР
ГЕРМАНИЯ (GEKO), ЯПОНИЯ (HONDA), РОССИЯ




LL@1377
Тел.: (371) 120-68-36, (3712) 30-20-36, 41-31-24. E-mail: igor. williams@usa.net
Манзил: Тошкент ш., Малясов к., 3.
Мўлжал: «Олой» бозори, "Юлдуз" тикув 6-си, "Водпроект" биноси, 113-115-хоналар.

Реклама ва эълонлар
136-09-25

"ТЕЛКО" қўшма корхонаси энг арзон нархларда таклиф этади:
СИМСИЗ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ,
KENWOOD
"Лён-М" маҳсулотлари
радиостанциялар,
ретрансляторлар,
транк тизимлари,
локал пейжинг тизимлари.
Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 25, 7-қават, 702-хона.
Тел.: (3712) 34-76-70, 100-76-71.
1383

AOKI
«TORSUNA INTERHATIONAL TRADING AG (Швейцария)

AOKI Япония фирмасининг маҳсулотларини сотади.

*Бу қурилмалар дунёда энг яхши ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат, фармацевтика ва кимё саноати, бўёқлаш буюмлари, пастали моддалар сақланадиган жиҳозлар ҳамда шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар учун қулай бўлган пластик ва сиғимли идишлар ҳам ишлаб чиқараверади.*

Ўта замонавий ҳисобланган бу жиҳозлар унумдорлиги саноатлашган даражадаги алоҳида тежамкор қурилмаларга эга. Машиналар учун хомашёни AOKI фирмасидан олишингиз мумкин.

Бу маҳсулот, яъни пластик хомашё дунёнинг барча минтақаларида (шу жумладан МДҲ мамлакатларида ҳам) ишлаб чиқариладиган арзон ва топилиши осон бўлган материалдир.

«TORSUNA INTERHATIONAL TRADING AG».

700000, Тошкент ш., Тамарахоним кўчаси, 7-уй, Ўзбекистон (ваколат офиси).
тел: 998-712-68-29-63,
факс: 998-71-133-06-66.
®/1793

VENOASIA
"ВЕНО-ОСИЁ" таклиф этади
БОЛГАРИЯ КУРОРТЛАРИ:
Қуёшли соҳил, Приморск, Несебр, Дюни.
Тошкент-Бургас чартер рейслари



МАХСУС НАРХЛАР!
12 ёшгача бўлган болаларга чегирмалар
Болгария орқали Коҳира ва Истамбулга қўшимча саёҳатлар
Манзил: Тошкент ш., Абай к., 6.
Тел.: (371) 144-48-83, 144-48-16.
1800

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси жамоаси «Урганч ёғ» ҳиссадорлик жамиятида узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилган

**Тельман Раззоқович МУСАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Сифат» маркази жамоаси Урганч лабораториясининг бошлиғи Шуҳрат Отажоновга отаси

**Ғофуржон ОТАЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Англия «GESC» мактабининг расмий ишончли вакили юқори синф ўқувчилари ва мактаб битирувчиларини
Англияда ўқиш учун
3 ойлик ёзги курсларга ҳамда 9 ойлик курсларга пуллик-контракт асосида ўқишга таклиф этади.
Батафсил маълумотларни Сиз 56-54-78 телефонига қўнғироқ қилиб ёки Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши биноси — Бухоро кўчаси, 24-уй, 5-қават, 43-хонага ташриф буюриб билиб олишингиз мумкин.
Барча ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ўз зиммамизга оламиз.
Мўлжал: Алишер Навоий номли театр биноси.



®/1840